# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
# SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
# Q A R O R I

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2020 -yil "3" декабр   Қ-1848 -son   Qumqo‘rg‘on t.

**Тумандаги "SIROJIDDIN ABDIG'OPPOROV DALASI" номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш ва ижарага ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 26 ноябрдаги 54-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 26 ноябрдаги 54-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Холикулов Абдимумин бошлиқ "SIROJIDDIN ABDIG'OPPOROV DALASI" номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда "Ўзбекистон" массиви ҳудудида хўжалик харитасининг 233, 240, 242, 244-дала контурларидан жами 46,0 гектар, шундан 40,50 гектар суғориладиган экин ер майдони, 2,12 гектар ариқ, 0,91 гектар йўл, 2,47 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Н.Мўминовга фермер хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз ҳохишига кўра тижорат банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

6. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур "SIROJIDDIN ABDIG'OPPOROV DALASI" номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими — O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMLIGI * DEVONXONA — **Р.Гаппаров**

TO'G'RI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYAT
QUMQO'RG'ON TUMAN
HOKIMI UMUMIY
BO'LIM MUDIR

# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
# SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING
# Q A R O R I

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2020-yil "26" ноябр Қ-1821-son Qumqo'rg'on t.


**Тумандаги "Тўраева Тошхол" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ихтиёрида бўлган ерларни қисман туман ҳокимлиги захира ер майдонига олиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг IV-боб, 36-моддасига, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунининг VI-боб, 32-моддасига, тумандаги "Тўраева Тошхол" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи А.Абдуллаевнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. "Тўраева Тошхол" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи А.Абдуллаевнинг туман ҳокими номига ёзган аризаси қаноатлантирилсин.

2. Тумандаги "Тўраева Тошхол" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ихтиёридаги "Ўзбекистон" массиви қишлоқ хўжалик 240к, 233, 242, 244-дала контурларда жойлашган жами 22,24 гектар шундан, 18,35 гектар суғориладиган экин ер майдони, 1,48 гектар арик, 0,69 гектар йўл, 1,72 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони туман хокимлиги захирасига қайтариб олинсин.

Бундан кейин "Тўраева Тошхол" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг "Ўзбекистон" массиви қишлоқ хўжалик харитасининг 1026к, 1049к, 1046к, 1047к, 1036к, 1038, 1049к, 1045, 1046к, 948к, 1135к, 953к, 957к-дала контурларидан жами 70,06 гектар, шундан 65,25 гектар суғориладиган экин ер майдони, 1,92 гектар ариқ, 0,61 гектар йўл, 2,28 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони этиб белгилансин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б Х.Йўлдошевга "Тўраева Тошхол" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING**

# Q A R O R I

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2020-yil "26" ноябр Қ-1820-son Qumqo'rg'on t.

**Тумандаги "ОМОН ЭЛБЕГИ" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ихтиёрида бўлган ерларни қисман туман ҳокимлиги захира ер майдонига олиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг IV-боб, 36-моддасига, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунининг VI-боб, 32-моддасига, тумандаги "ОМОН ЭЛБЕГИ" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи У.Қобиловнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. "ОМОН ЭЛБЕГИ" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи У.Қобиловнинг туман ҳокими номига ёзган аризаси қаноатлантирилсин.

2. Тумандаги "ОМОН ЭЛБЕГИ" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг ихтиёрида бўлган "Ўзбекистон" массиви "Шерози" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хўжалик харитасининг 105, 240қ-дала контурларда жойлашган жами 40,37 гектар, шундан 38,14 гектар суғориладиган экин ер майдони, 0,96 гектар ариқ, 0,52 гектар йўл, 0,75 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони туман ҳокимлиги захира ер майдонига қайтариб олинсин.

Бундан кейин "ОМОН ЭЛБЕГИ" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг "Ўзбекистон" массиви "Шерози" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хўжалик харитасининг 329, 340, 341, 344, 268к, 295, 297, 296, 299, 300, 301, 302-дала контурларидан жами 100,31 гектар, шундан 79,39 гектар суғориладиган экин ер майдони, 9,50 гектар ариқ, 2,20 гектар йўл, 9,22 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони этиб белгилансин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б Х.Йўлдошевга "ОМОН ЭЛБЕГИ" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш

Қумқўрғон туман ҳокими Р.Б.Гаппаровга
"Чўкирли" маҳалласида яшовчи фуқаро Холиқулов Абдимўмин томонидан

# А Р И З А

Ёзаман ушбу аризани шу ҳақдаким менга пахта ғаллачилик фермер хўжалигини ташкил этиш учун "Ўзбекистон" массиви худудидаги туман ҳокимлиги заҳирасида бўлган 233, 240, 242, 244 -дала контурларидаги жами 46,00 гектар шундан, 40,50 гектар сувли экин ер майдони, 2,12 гектар арик, 0,91 гектар йўл, 2,47 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонини ажратиб беришингизни сўрайман.

2-11.2020 А.Холиқулов

99-588.09.71

| | |
|---|---|
| SAHIFALAR SONI | |
| KIRISH № | 2318/01-41 |
| SANASI | 02.11.20 |

QUMQO'RG'ON TUMAN HOKIMLIGI

**Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on tuman fermer, dehqon xo`jaliklari va tomorqa yer egalari Kengashi**

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox ko'chasi 3-uy

**Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши**

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани,Ўзбекистон шох кўчаси 3- уй

**2020 йил «17» ноябрь Қумқўрғон тумани №897**

**Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг Қумқўрғон туманидаги "Чўкирли" мфй фуқароси Ҳоликулов Абдумўминга фермер хўжалиги учун ер майдони олишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида.**

## Х У Л О С А

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-декабрдаги "фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 362-сонли қарорига кўра, фуқаро **Ҳоликулов Абдумўминга** нисбатан, фермер хўжалик юритиш учун қўшимча ер майдони (участкалари) берилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Қумқўрғон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларқи Кенгаши хулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида қуйидагиларни аниқлади:

1. Қишлоқ хўжалигида иш стажи 31 йил,қишлоқ хўжалигида тажрибаси бор.
2. Маълумоти ўрта,тракторчи
3. Талабгорнинг 4 бош қорамол,10 бош қўй-эчки ва 10 бош товуғи мавжуд.
4. Талабгорнинг Т-28 трактори ,култиватори ва тиркамаси мавжуд.
5. Талабгорнинг 10 та ишчи кучи мавжуд.
6. Талабгорнинг иқтисодий асосланган бизнес режаси мавжуд.
7. Талабгорнинг мавжуд 0,24 га томорқасига сабзавот экинлари экиб, самарали фойдаланиб келмоқда.

Юқоридагиларга кўра, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қуйидаги хулосага келди.

Юқоридагиларга кўра, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қуйидаги хулосага келди.

**Қумқўрғон тумани "Чўкирли" маҳалласида яшовчи Ҳоликулов Абдумўминга Ўзбекистон ҳудудидан фермер хўжалиги юритиш учун ермайдони (участкалари) ажратилишига муносиб.**

**Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман "Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси"га юборилсин.**

**Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси:** **А.Самадов**

№2318/01-20
02.11.2020 й